

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИСТИТУТИ**

**Ер ресурсларини бошқариш факультети**

**«Давлат кадастрлари» кафедраси**

**“Ер ресурсларини бошқариш” фани**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ,  
ВИЛОЯТЛАР ВА ТУМАНЛАРДА ЕР  
РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Тошкент - 2018**

# Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

## Мавзу: ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТУМАНЛАРДА ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

2

<i>Вақт: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 104 нафар</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Маъруза (ахборотли/муаммоли)
<i>Маъруза режаси тузилиши</i>	1. Республикада ер ресурсларини бошқариш услублари. 2. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ер ресурсларини бошқаришнинг ўзига хослиги. 3. Маъмурий туман бошқариш органлари фаолиятида ер ресурсларини бошқариш масалалари.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	Талабаларда билим ва кўникмаларни шакллантириш
<i>Педагогик вазифалар:</i> Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ер ресурсларини бошқаришнинг ўзига хослиги билан таништириш ва тушунтириш; Бошқариш органлари фаолиятида ер ресурсларини бошқариш масалалари моҳиятини очиқ бериш ва ўргатиш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> Республикада ер ресурсларини бошқариш услублари, минтақа ва вилоятларда ер ресурсларини бошқариш ўзига хослиги, ер ресурсларини бошқаришда махсус давлат органларининг ваколатлари ўрганилади.
<i>Таълим усуллари</i>	Маъруза, инсерт, ақлий хужум.
<i>Таълим шакли</i>	Жамоавий
<i>Таълим воситалари</i>	Ўқув қўлланма, маъруза матни, тақдимот, техника воситалари.
<i>Таълим бериш шароити</i>	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, маъруза ўтишга мўлжалланган хона
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров, тезкор-сўров ва бошқ.

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият	
ва вақти	таълим берувчи	таълим олувчилар
<p><b>1-босқич.</b> Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа)</p>	<p>1.1. Талабалар давоматини аниқлаш. 1.2. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказиш. Машғулот режаси билан таништирилади. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини таништирилади.</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.</p>
<p><b>2-босқич.</b> Асосий (60 дақиқа)</p>	<p>2.1. Тезкор-сўров (савол-жавоб) ақлий ҳужум орқали билимларни фаоллаштирилади. 2.2. Машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича маъруза ва изоҳлар баён этилади.</p>	<p>Жавоб берадилар Ёзадилар.</p>
<p><b>3-босқич.</b> Яқуний (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича яқунланади, ўрганилган мавзунинг касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътибори қаратилади. 3.2. Ўрганилган мавзу бўйича талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берилади. 3.3. Мустақил иш учун топшириқ берилади ва унинг баҳолаш мезонларини етказилади.</p>	<p>Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар. Топшириқни ёзадилар</p>

*Режа:*



- 1. Республикада ер ресурсларини бошқариш услублари.**
- 2. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ер ресурсларини бошқаришнинг ўзига хослиги.**
- 3. Маъмурий туман бошқариш органлари фаолиятида ер ресурсларини бошқариш масалалари.**

## Адабиётлар

### Асосий адабиётлар

1. Раҳмонов Қ.Р. Ер ресурсларини бошқариш. Ўқув қўлланма. Т.: ТИМИ, 2008. – 161 б.
2. Варламов А.А., Гальченко С.А. Управление земельными ресурсами. Учебное пособие. М.: ГУЗ, 2005. – 240 с.
3. Selim Kapor, Hari Eswaran, Winfried Blum. Sustainable Land Management. Springer-Verlag Berlin and Heidelberg GmbH & Co. KG. Germany 2016.

### Қўшимча адабиётлар

4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. “Газета.uz”.
5. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, Т.: “Адолат”, 2011 й.
6. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Т.: “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, 2017. – 85 б.


# Республикада ер ресурсларини бошқариш услублари



- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ер ресурсларини бошқаришга оид қонун ва норматив хужжатлар асосида давлат чегараси доирасида, шу жумладан, барча минтақалар, вилоятлар ва туманлар маъмурий ҳудудларида ер ресурсларидан фойдаланиш ишлари бошқарилади.
- Республикада ер ресурсларини бошқариш бир неча босқичлардан иборат бўлиб, булар:
- **давлат бошқаруви;**
- **маҳаллий бошқарув**
- **хўжалик бошқаруви.**



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ – ХУДУДИЙ БУЛИНИШИ



Умумий фойдаланишдаги ер  
майдони 44892,6 минг га

**ЕРБ  
бошқич-  
лари**

```
graph LR; A[ЕРБ бошқичлари] --> B[Давлат бошқаруви: - умумдавлат бошқаруви - идоравий бошқарув]; A --> C[Маҳаллий бошқарув (ҚҚР, вилоятлар ва туманларда ЕРБ)]; A --> D[Хўжалик (алоҳида ердан фойдаланувчи субъектларда) бошқаруви];
```

**Давлат бошқаруви:**

- умумдавлат бошқаруви
- идоравий бошқарув

**Маҳаллий бошқарув (ҚҚР,  
вилоятлар ва туманларда ЕРБ)**

**Хўжалик (алоҳида ердан  
фойдаланувчи субъектларда)  
бошқаруви**



# Республикада ер ресурсларини бошқариш услуглари

Ер ресурсларини бошқаришда давлат бошқаруви ўзининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда умумий ва махсус (идоравий) бошқарув турларига бўлинади.

- **Умумий бошқарув** умумий ваколатга эга бўлган қонун чиқарувчи ва уни ижро этувчи давлат органлари томонидан амалга оширилади.

- **Махсус (идоравий) бошқарув** ер ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш назорат қилиш буйича махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари томонидан амалга оширилади

# ЕРБ буйича давлат органлари тизими

Умумий ваколатли

Олий мажлис

Вазирлар Маҳкамаси

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Сув хўжалиги вазирлиги

Прокуратура

Давлат солиқ қўмитаси

ҚҚР ва вилоятлар хоқимият  
органлари

Туманлар ва шаҳарлар  
хоқимият органлари

Махсус ваколатли

“Давергеодезкадастр”  
қўмитаси ва унинг ҳудудий  
бошқармалари

Экология ва атроф муҳит  
муҳит муҳофазаси Давлат  
қўмитаси ва унинг ҳудудий  
бўлимлари

# “Давергеодезкадастр” қўмитаси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар



1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари
2. Туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари
3. Давлат геодезия назорати инспекцияси
4. Марказий аэрогеодезия корхонаси
5. Самарқанд аэрогеодезия корхонаси
6. "Картография" давлат илмий-лойиҳалаш корхонаси
7. Геодезия ва картография миллий маркази
8. **Тупроқшунослик ва агрокимё давлат илмий-тадқиқот институти**
9. Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институти  
"Ўздаверлойиҳа"
10. "Геоинформкадастр" давлат унитар корхонаси

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг  
ТУЗИЛМАСИ**



**Қорақалпоғистон Республикаси  
Вилоят ва Тошкент шаҳар Ер  
ресурслари ва давлат кадастри  
бошқармалари  
(давлат бюджети)**

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Вилоят ва Тошкент шаҳар Ер  
тузиш ва кўчмас мулк кадастри  
давлат корхонаси  
(хўжалик ҳисоби)**

**Туманлар Ер ресурслари ва  
давлат кадастри бўлимлари  
(давлат бюджети)**

**Туманлар Ер тузиш ва кўчмас  
мулк кадастри давлат корхонаси  
(хўжалик ҳисоби)**



*Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида  
қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг ваколатларига киради:*

- ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- Ер кодексига, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилиш;
- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини тасдиқлаш;
- қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш, ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;


*Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида  
қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг ваколатларига киради:*

- давлат мулкидаги ерларни тасарруф этиш;
- ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ер кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;
- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш;
- ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.



Ер ресурсларини давлат бошқарилишини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси номидан махсус орган ўзининг ҳудудий органларига (вилоят, шаҳар, туман) эга бўлган – Ўзбекистон Республикаси “Давергеодезкадастр” қўмитаси амалга оширади.

Ер муносабатларини тартибга солишда ягона давлат сиёсатини юритишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябрдаги ПФ-3503-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” ги Фармони ва **Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарори билан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ташкил этилди.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «**Ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назоратини кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрларини юритишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида**»ги ПФ-5065-сонли Фармони ҳамда “**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-3024-сонли Қарорига асосан «**Давергеодезкадастр**» қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб берилган.

## **“Давергеодезкадастр” қўмитасининг асосий вазифалари:**

- ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузишни ва ерлар мониторингини ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;
- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ерлардан оқилона фойдаланилиши ва улар муҳофаза қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- геодезия ва картография фаолиятини бошқариш;
- давлат геодезия назоратини ташкил этиш;
- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, ҳудудлар кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш.

*Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:*



- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;
- юридик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгаллик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;
- ўлчамидан қатъи назар барча ерларни олиб қўйиш, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суҳориладиган ерлар, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар эгаллаган ерлар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил зоналари ерлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонлари, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлар бундан мустасно;

*Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:*

- дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш;
- Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;
- ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

## *Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:*



- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш - ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда;
- фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш;
- фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;



## *Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:*

- ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;
- ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини кимошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;
- ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;
- ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;
- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;
- қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш;
- ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

# Талабалар билимини текшириш учун саволлар

22

- ▶ 1. Ер ресурсларини бошқаришнинг қандай умумий механизмлари бор?
- ▶ 3. ЕРБ механизмларини санаб беринг?
- ▶ 4. ЕРБда ахборот таъминоти қайси механизмлар ёрдамида амалга оширилади?
- ▶ 5. ЕРБ механизмларини амалга ошириш тизимини тавсифлаб беринг.
- ▶ 6. Ерлардан самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг қандай механизилари бор?

# ТОПШИРИҚ

## ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

График ташкил этувчи тури, аҳамияти ва хусусиятлари

Ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнининг таркибий тузилмаси

### ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

-мустақил ўқиш, маъруза тинглаш жараёнида олинган маълумотларни бир тизимга келтиришга имконият яратади.  
-Олдиндан олинган маълумотни янгиси билан ўзаро боғлаш қобилиятини шакллантиришга имкон беради.

Инсерт жадвали таркиби ва уни тўлдириш қондаси билан танишади. Шахсан уни расмийлаштиради.

Ўқиш вақтида олинган маълумот яқка тартибда тақсимланади: матнда белги қўйилган мос равишда жадвал устунларига “жойлаштирилади”:  
**V** – “...” ҳақида олинган билим (маълумот)га мос келади;  
-- “...” ҳақидаги билимга қарама-қарши;  
+ – янги маълумот саналади;  
? – тушунарсиз қўшимча маълумот.

# МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, СОЛИШТИРИШ ВА ТАҚҚОСЛАШ УСУЛИ



T – жадвал қоидалари танишилади. Якка тартибда расмийлаштирилади

Ажратилган вақт оралиғида тартибда (жуфтликда) тўлдиради, унинг чап томонига сабаблари ёзилади, ўнг томонига эса чап томонда ифода қарама – қарши ғоялар, омиллар ва шу кабилар.

Жадваллар жуфтликда (гурухда) таққосланиши тўлдирилиши

Барча ўқув гурухи ягона T – тузади.

## T – жадвал

- бита концепция (маълумот)нинг жиҳати ўзаро солиштириш ёки уларни (ха/йўк, ха/қарши) учун.

Танқидий мушоҳада ривожлантиради

## T-жадвал

Қ (ха)	– (йўк)



*Этиборларингиз учун  
рахмат!*